

XVII. ХУҚУҚБУЗАРЛИК



Жиноятчилик – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий - ҳуқуқий ҳодисадир

Рўйхатга олинган жиноят – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга хатти - ҳаракат.

Жиноятларни содир этган шахслар – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра 2019 йил январь-март ойларида 6577 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 31,6 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 2,0 ҳолатни ташкил этмоқда.

2018-2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик



**2019 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича
жиноятларнинг даражалари бўйича ҳудудлар кесимида сони, бирлик**

	<i>Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар</i>	<i>Унча оғир бўлмаган жиноятлар</i>	<i>Оғир жиноятлар</i>	<i>Ўта оғир жиноятлар</i>
Ўзбекистон Республикаси	6577	2292	1167	384
Қорақалпоғистон Республикаси	233	87	19	8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	420	117	72	27
Бухоро	308	106	57	13
Жиззах	232	75	56	13
Қашқадарё	364	138	63	27
Навоий	192	67	37	15
Наманган	383	157	83	12
Самарқанд	587	204	78	35
Сурхондарё	320	116	68	23
Сирдарё	187	93	25	8
Тошкент	820	349	106	47
Фарғона	723	259	121	34
Хоразм	247	64	48	16
Тошкент ш.	1390	348	299	102



2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳудудлар кесимида, бирлик



Жиноятлар таркиби ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги хулосаларни беради: агар содир этилган жиноятларнинг оғирлиги нуқтаи – назаридан қаралса, кўринадики, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жами содир этилган жиноятларнинг 15,2 %, Фарғона вилоятида 11,3 %, унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этади; оғир жиноятлар эса Фарғона вилоятида 10,4 % ва Тошкент шаҳрида 25,6 % ни ташкил этган; ўта оғир жиноятлар Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаларида 2,1 % дан бўлса, Тошкент шаҳрида эса 26,6 % ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 2019 йил январь-март ойларида 2018 йил январь-март ойлари билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Навоий вилоятида 57,6 % га, Наманган вилоятида 50,8 % га, Андижон вилоятида 40,9 % га, Бухоро вилоятида 39,7 % га, Сирдарё вилоятида 38,7 % га, Жиззах вилоятида 36,1 % га, Хоразм вилоятида 31,6 % га, Самарқанд вилоятида 28,2 % га, Тошкент вилоятида 28,1 % га, Қашқадарё вилоятида 27,6 % га, Сурхондарё вилоятида 25,2 % га, Фарғона вилоятида 23,1 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 17,7 % га ва Тошкент шаҳрида 25,5 % га.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг барча хизмат йўналишларида жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирлик



Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2019 йил январь-март ойларида 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 455 тадан 384 тагача (15,6 % га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2019 йил январь-март ойларида 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 1417 тадан 1167 тагача камайган (17,6 % га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2018 йил январь-март ойларига нисбатан (3388 та ҳолат) 2019 йил январь-март ойларида 2292 тани ташкил этиб, 32,3 % га камайган.

Худудлар бўйича 2019 йил январь-март ойларида энг кўп рўйхатга олинган жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (1390 та жиноят), Тошкент вилоятида (820 та жиноят) ва Фарғона вилоятида (723 та жиноят) кузатилган. Энг кам жиноятлар сони эса Сирдарё вилоятида (187 та жиноят) кузатилган.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 100,0 минг аҳолига тўғри келадиган энг кам сони	Рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 100,0 минг аҳолига тўғри келадиган энг кўп сони
 <p>Қашқадарё вилояти 11,3</p>	 <p>Бухоро вилояти 16,2</p>
 <p>Сурхондарё вилояти 12,4</p>	 <p>Жиззах вилояти 17,1</p>
 <p>Қорақалпоғистон Республикаси 12,4</p>	 <p>Навоий вилояти 19,6</p>
 <p>Хоразм вилояти 13,4</p>	 <p>Фарғона вилояти 19,6</p>
 <p>Андижон вилояти 13,7</p>	 <p>Сирдарё вилояти 22,5</p>
 <p>Наманган вилояти 13,9</p>	 <p>Тошкент вилояти 28,2</p>
 <p>Самарқанд вилояти 15,4</p>	 <p>Тошкент шаҳри 55,2</p>


**2018-2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида
рўйхатга олинган жиноятлар турлари бўйича сони, бирлик**


	<i>январь-март 2018 йил</i>	<i>январь-март 2019 йил</i>
Ўғрилик	1914	831
Фирибгарлик	1243	708
Иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, хокимият органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар	1226	1321
Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар	732	605
Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш	294	417
Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	20	25
Безорилик	158	84
Қасддан баданга оғир шикаст етказиш	212	142
Талончилик ва босқинчилик	119	64
Қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш	121	92

Ўғрилик жинояти 56,6 % га, безорилик жинояти 46,8 % га, фирибгарлик 43,0 % га, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 33,0 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 24,0 % га, гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар 17,4 % га, талончилик жинояти 33,3 % га, босқинчилик жинояти 52,5 % га камайган. Шу билан бирга, дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 45,3 % га, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 59,8 % га камайган.

Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш 25,0 % га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон - тарож қилиш 41,8 % га, иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар 7,8 % га кўп.

2019 йил январь-март ойларида вояга етмаган жиноят содир этганларнинг жами жиноят содир этганлар ўртасидаги улуши






Жами жиноят содир этганларнинг 154 нафарини ёки 1,9 % вояга етмаганлар ташкил этади. Жами жиноят содир этганларнинг Сурхондарё вилоятида 4,1 %, Фарғона вилоятида 3,3 %, Наманган вилоятида 2,7 %, Андижон вилоятида 2,1 %, Сирдарё вилоятида 1,9 %, Қашқадарё вилоятида 1,7 %, Жиззах вилоятлари-

да 1,5 %, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 1,4 %, Самарқанд вилоятида 1,3 %, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 1,1 % ва Навоий вилоятида 0,7 % ни вояга етганлар томонидан содир этилган жиноятлар ташкил этади.

2019 йил январь-март ойларида жиноят содир этган шахслар сони, бирлик


Аёллар

1070 киши



Эркаклар

7235 киши



Жиноят содир этган шахслар сони жами 8305 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йил январь-март ойлари билан таққосланганда 26,8 % га камайган. Шулардан 6680 нафари жиноий жавобгарликка тортилган ёки 2018 йил январь-март ойларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортилганлар сони 80,4 % ни ташкил килади.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 21,0 % га, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 27,6 % га камайган.

**2019 йил январь-март ойларида жиноят содир этган аёллар сони
худудлар кесимида, бирлик**



Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар орасида 9,1 % га, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида 22,5 % га жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этган шахслар сони

Гурух бўлиб - 2643 киши

↓ 21,5 %

2018 йил январь-март ойларига нисбатан



Мастликда - 180 киши

↓ 19,6 %

2018 йил январь-март ойларига нисбатан

Аввал жиноят содир этганлар -

627 киши

↓ 52,0 %

2018 йил январь-март ойларига нисбатан



Вояга етмаганлар -

154 киши

↓ 17,2 %

2018 йил январь-март ойларига нисбатан

Жиноят содир этганлар орасида аввал жиноят содир этганлар 52,0 % га, маст холатда жиноят содир этганлар 19,6 % га, гурух бўлиб жиноят содир этганлар 21,5 % га ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 17,2% га камайган.

2019 йил январь-март ойларида жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони



Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар ўртасида жиноят содир этганлар 2340 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 9,1 % га камайган. Ишлайдиганлар орасида жиноят содир этганлар 9 кишини ташкил этган бўлиб, 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 22,2 % га кўпайган.

Республика бўйича 2019 йил январь-март ойларида жиноятлар сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 31,6 % га камайган. Унча оғир бўлмаган жиноятлар 32,3 % га, оғир жиноятлар 17,6 % га, ўта оғир жиноятлар эса 15,6 % га камайган.